

Куч—адолатда




АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 2000 йил, 15 декабрь Жума кунлари чиқади № 45 (280) Сотувда эркин нархда



Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ



Тошкентда 14 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси бошланди. Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, хорижий ва республика оммавий-ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлишди. Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи – котибияти сайлади, кун тартибини тасдиқлади.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Н.Комилов айрим сайлов округларида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови якунлари тўғрисида ахборот берди.

Халқро ишлар ва парламентлараро алоқалар кумитаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Э.Вохидовга суз берилди. У парламент депутатлари гуруҳи томонидан тайёрланган Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига Мурожаати матини ўқиб эшиттирди.

Муҳокамада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

раиси А.Орипов, Олмалик кон-металлургия комбинатининг бош директори В.Сигедин, «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси О.Мусурмонова, Имом ал Бухорий халқро жамғармаси бошқарувининг раиси З.Мунавваров, Тахтакупри тумани «Тахтакупри» ширкат ҳўжалиги раиси А.Одилов, «Қўзилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси Н.Кучерский, парламентнинг Матбуот ва ахборот кумитаси раисининг уринбосари И.Гофуров, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг Хоразм вилояти бўлими бошлиғи Г.Ибодуллоева, Тошкент клиник тез ёрдам касалхонасининг бош шифокори Т.Миролидов иштирок этди.

Улар Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига Мурожаатини қабул қилиш ҳақидаги таклифни қизгин қўллаб-қуватлашди.

Суз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилди. Давлатимиз раҳбари парламентнинг халқимизга Мурожаатининг моҳиятини чуқур

ва ҳар томонлама очиб берди, мустақил Ўзбекистоннинг янги минг йилликка қадам қўйишдек тарихий ҳодисанинг муҳимлигини, янгилаш, давлатимизнинг янада тараққий этиши ва фаровонлигига эришиши учун аниқ ва амалий мақсадларни белгилаб олиш зарурлигини қайд этди. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, Ватанимиз келажаги фақат ўзимизга, фидокорона бунёдкорлик меҳнатимизга, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва ҳавфсизлиқни сақлай олишимизга боғлиқдир.

Депутатлар Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига Мурожаатини қабул қилишди (матбуотда эълон қилинади).

Молия вазирлиги М.Нурмуродов Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджетини лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари кумитаси раиси А.Аҳадов ҳушима маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжатини муҳокама қилишда Наманган шаҳри ҳокими М.Тожибоев, Нарпай тумани «Пахтакор овози» газетасининг бош муҳаррири Т.Тошмуродов, Андижон ви-

лояти «Андижон» нашриёти директори Х.Нурмонов, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М.Собиров, «Янгийул ёғмай» ҳиссасдорлик жамияти директори М.Худоберов иштирок этишди. Парламент Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджетини лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Сессиянинг кечки мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари кумитаси раиси А.Аҳадовнинг иккинчи ўқишда қўриб чиқилаётган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузаси билан бошланди.

Учқўргон тумани ҳокими Б.Охунов, «Муборакнефтьгаз» нефтьгаз конлари бошқармаси бошлиғи Н.Зайниев, Қўмқўргон тумани ҳокими Н.Чориев, «Комплекс тематик экспедиция» очик турдаги акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси Т.Бобононов, Қарши тумани ҳокими С.Хайруллаев ушбу ҳужжат тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Депутатлар қўнунни қабул қилишди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кумитаси раиси Н.Исмоилов депутатларга иккинчи ўқишда қўриб чиқилаётган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун

лоиҳасини ўқиб эшиттирди. Лойиҳасини муҳокама этишда «Бухороёғ» очик турдаги акциядорлик жамиятининг раиси М.Зайниев, Имом ал Бухорий халқро жамғармаси бошқаруви раиси З.Мунавваров, Марғилон шаҳри ҳокими А.А.Кромов, «Ўзқилиққўжликмашҳолдин» компанияси бошқаруви раиси Р.Матқонов, «Ўзкимёсанотлоиҳа» илмий-текшириш ва лойиҳалаштириш институтининг Чирчиқ филиали директори Х.Назаров иштирок этди. Депутатлар ушбу қўнунни қабул қилишди.

Иккинчи ўқишда киритилган янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кумитаси раисининг уринбосари, Ўзбекистон судьялари ассоциацияси раиси О.Тўхтасhev депутатлар ҳўмига ҳавола этди. Ушбу масала юзасидан ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ф.Омонов, Янгибозор тумани ҳокими Э.Осупов, Сурхондарё вилоят офталмология шифонахаси бош врачлари Р.Мухаммадиев сузга чиқди. Олий Мажлис янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини қабул қилди.

Депутатлар янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун

лоиҳаси қабул қилиниши муносабати билан Жиноят-процессуал, Ҳўжалик-процессуал ва Ҳўқаролик-процессуал кодексларига, шўнингдек, судьяларнинг малака ҳайвотлари, судьяларнинг малакавий тоифалари, суд ходимларининг мансаб тоифалари, ҳарбий судлар фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги Низомларга узгартиш ва қўшимчалар киритди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кумитаси раиси Н.Исмоилов янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди. Фарғона шаҳри ҳокими А.Муминов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Оқдарё тумани Мирзо Улуғбек номли 2-урта мактаб директори Ж.Исроилов, «Андижоннома» ва «Андижонская правда» газеталарининг бош муҳаррири Н.Саидовнинг сузга чиқишларидан кейин парламент янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Иккинчи ўқишда қўрилаётган «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва Ҳўқароликнинг узини уззи бошқариш органлари кумитаси раиси А.Саидов маъруза қилди.

Ушбу қонун лойиҳаси бўйича «Хўррият» газетасининг бош муҳаррири Х.Дўстмухамедов, «Нова-тор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси директори кенгашининг раиси А.Матвеев, Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари кумитаси аъзоси Н.Қамбаров, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби – «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиев сузга чиқди. Олий Мажлис қонунни қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси уз ишини давом эттиради.

—Ўтиб бораётган аср
Сизга нима берди?
— Учинчи минг
йилликдан нималарни
кутапсиз?

Ушбу саволларга юртдошларимиздан
айримлари қуйидагича жавоб бердилар

Дилшод ЮСУПОВ, Буюк Британиядаги Манчестр университети талабаси:

— Мен ўтиб бораётган асрдан жуда миннатдорман. Чўнки йигирманчи асрда жонажон юртимиз ўз мустақиллигини қўлга киритди, истиқлолга эришди. Истиқлол эса ўзбек халқини, Ўзбекистонни ҳаўонга танитди.

Дўнўдаги жуда кўп давлатлар Ўзбекистон билан тенг ҳўқуқлилик асосида ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилишяпти. Чўнки, юқори даражада ривожланган хорижий давлатлар бошлиқлари мамлакатимизнинг салоҳиятига ишониб алоқалар ўрнатиди.

Мен ҳўзир Манчестр шаҳридаги Университетда ме-нежмент ихтисоси бўйича сабоқ олмоқдаман. Ўз соҳамни мукаммал эгаллашга ҳаракат қилияман. Чўнки, Ўзбекистоннинг келажаги Юртбошимиз Ислам Каримов айтганларидек, биз ёшларнинг қўлида.

Ишонаманки, янги минг йиллик Ўзбекистонда иқтисодий, илм-фан, маданият, ҳўллас барча соҳаларнинг гуриллаб ривожланиш даври бўлади. Ушбу оламшўмул ўзгаришларга менда ўз ҳиссамни қўйиш имкони борлигидан бугўн гўятда бахтиёрман.

Саъдулла ҲИКМАТУЛЛАЕВ, тиббиёт фанлари номзоди, Беруний номидаги республика мукофоти совриндори:

— Пешонамиз ярқираган экан, ўтиб бораётган асрнинг сўнгги йилларида ўз эркимизга эга бўлдик. Шўнинг учўн ҳам мен йигирманчи асрдан миннатдорман. Шў кўнларга етказгани учўн Оллоҳга шўкроналар айтсам, бизга истиқлол эшигини очиб берган, юртимиз равнақи, одамларнинг порлоқ келажаги тамал тошини қўйган Президентимиз Ислам Каримовга ташаккурлар билдираман.

Сабаби, Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан мусаффо осмон остида ўз бахтимизни ўзимиз яратяпмиз. Ҳўзир ишўнамга келсам кўнглим айрайди. Замонавий хориж жиҳозлари, асбоб-ускуналари ёрдамида мураккаб жарроҳлик операциялари ўтказиб, одамлар дардига дармон бўлаётганимдан жуда мамнўнман. Илгари бундай имконият бўлганим? Албатта йўқ. Бирор мураккаб медицина ускунасини «марказ»нинг рухсатисиз келтиришини ўзи бўлмаган.

Ҳўзир ишлаган сари ишлагим келади. Мақсадларимни амалга ошириш, фанда янгиликлар яратиш учўн шароит ҳам, имконият ҳам етарли. Уччинчи минг йиллик юртимизга бахт-саодат олиб келсин!

Алишер МИРЗАЕВ, «ЎзДўАвто» акциядорлик жамияти ишчиси:

— Ўтиб бораётган эски аср бизга оламшўмул воқеа-истиқлолни туҳфа этди. Шў сабабли ҳам ундан минг бора розиман. Чўнки, мустақиллик туфайли ота-боболаримизнинг асрий орзулари рўйбга чиқди. Мамлакатимиз ўз бойлиқларидан ўзи фойдаланган ҳўлда тараққийот сари илдам одимламўқда. Қўсқа мўддатда ўз машиналаримизни чиқараётганимиз бизнинг ёрқин далилидир.

Янги асрдан умидим катта. Юртимизда деярли ўн йил мобайнида асрларга татигулик ишлар қилинган бўлса, кўлгусида ютуқларимиз суруяти ҳам, салмоғи ҳам ортиши шўбҳасиз. Буюк ўзгаришлар даврида яшаётганим, унга ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

Гулурухсўр РУСТАМЖОН қизи, Чилонзор туманидаги 126-мактабнинг 9-синф ўқувчиси:

— Мен ойиҳонимни яхши кўраман. Мактабдан келганимда кичкинтой ўқамни эрқалатиб ўйнаётганини кўриб бир пайтлари мени ҳам шўндай сўйгани кўнглимдан кечди. Ахир она билан бола гул билан лада-да! Уйимизда юртбошимизнинг китоби бор. Уни ўқам яхши кўради. Кўпинча ойим шў китобни меҳр билан варақлаб ўқажонимга кўрсатади. Ундаги суратлар юртимизнинг равнақи, бахтли саодатли оиларимиз ҳақида ҳикоя қилади. Халқимизнинг камоли учўн қайғўраётган болапарвар, юртпарвар Президентимиз билан Янги асрга қадам қўяпмиз. Биламизки, у ҳамма болапарварни яхши кўради. Шўнинг учўн ҳам Янги асрнинг илк Янги йилини «Оналар ва болапарвар йили» деб эълон қилди. Янги аср бўсағасида уларни шарафлаб олқайди. Бизни, оналаримизни, ўқаларимизни эъзўзлаб ардоқлаётган юртбошимизни ҳам Янги асрга Оллоҳнинг ўзи эъзўзласин. Ҳеч бир она янги уз минг йилликда фарзандининг заволини кўрмасин. Болақонлар шод ва бахтиёр камол топиб, юртимиз, халқимиз учўн мўносиб фарзанд бўлиб етишсинлар.

Саодат САЙДОВА, Сарисий туманидаги қишлоқ шифохонаси ҳамшираси:

— Шифохонамизга нажот излаб келаётган беморларни кўриб баъзан эзилиб кетаман. Уларнинг дардига оз бўлса-да, малҳам бўлгим келади. Дўнў қизик экан: бу ёрўғ оламда дард кўп, дардманд кўп экан. Кимнингдир, нимадандир азият чекаётганини кўриб қанийди ҳеч ким касал бўлмаса дейман.

«Соғлом авлод йили»да инсон саломатлиги йўлида кўп ва ҳўп ишлар қилинмоқда. Унинг узвий давомини биз Янги асрга кўрамиз. Қириб келаётган 2001 йил, умуман, XXI асрдан умидим катта. Уни инсон саломатлиги асри сифатида кўришни истаيمان. Чўнки дўнўда инсон соғлигиндан ҳам азиз бойлик йўқ.

Янги аср Ўзбекистонимиз учўн юксалиш асри бўлади деб ўйлайман. Ҳўрлар ичра ҳўр, тенглар ичра тенг диёримиз бундан ҳам гуллаб-яшайди. Халқимиз тинч ва фаровон турмуш кечиради. Ўзбекистоннинг юксак тараққийоти насиб этса ҳали менман деган давлатларни лол қолдиради. XX аср бизга мустақиллик бергани билан ҳамша ардоқли бўлиб қолади.

Ислоҳот одимлари

КИЧИК КРЕДИТНИНГ КАТТА САМАРАСИ

Тайлоқ туманида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда банк идоралари ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорлик тобора салмоқли натижалар бермоқда. Энг аввало ишлаб чиқаришда янги соҳалар ва янги технологиялар юзга келмоқда. Бозор эътиҳидан келиб чиққан ҳўлда тайёрланайтган маҳсўлот ҳажми кўпайиб сифати яхшиланимўқда. Қўшимча иш ўринлари яратилимўқда. Ҳўсусан, туманда кичик ва ўрта бизнес тармоғини ривожлантиришда банк кредитларидан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган.

«Савдогарбанк»нинг Тайлоқ тумани бўлими фаолияти билан танишсангиз, юқоридagi фикрларга тўла ишонч ҳосил қиласиз. Банк атиги бир йиллик иши да-

мер ҳўжалиги, 34 та кичик ва ўрта бизнес корхонаси банк билан яқин ҳамкорликда ишлаб, иқтисодий курсаткилар салмоғини оширмўқда.

— Йил бошидан бўён кредит маблағлари ажратганимиз, — дейди банк бошқарувчиси Аликул Шеров. — Бу маблағлар туманда картошка уруғчилигини ривожлантириш, қайта ишлаш корхоналари тармоғини кенгайтириш, замонавий технологияларни сотиб олишга сарфланганлиги билан муҳимдир. Айниқса, тадбиркорларнинг минн кре-

дит масаласидаги бирорта мурожаатини эътиборсиз қолдирмаяпмиз. Утган даврда уларга 30 миллион сўмликдан зиёид микрокредитлар тарқатилди.

Умуман, биргина «Савдогарбанк» кредитлари туфайли туманда 211 та қўшимча иш ўрни барпо этилди. Агар Тайлоқда аҳоли сони кўп, деҳқончилик билан шўғулланидиган ер майдонлари озлигини инобатга оладиган бўлсак, бу ишнинг аҳамияти аққол қўзга ташланади.

Бу йил туманда галлачилик, сабзавот ва богдорчилик, пиллачилик сингари ҳамма соҳаларда режалар ошғи билан урдаланди. Биргина галлачиликда 16 минг 349 тонна хирмон яратилди. Бу режадагидан 3 минг 539 тонна куп демакдир. Ана шў муваффақиятларда табиийки банк идорасининг ёрдами катта. Ишлаб чиқаришни молиявий соғломлаштириш дастури асосида бугўн ҳам кенг қўламдаги ишлар амалга оширилаяпти.

Эътиборлиси шўндаки, «Савдогарбанк» миҳозлар талаби ва таклифи асосида ўз фаолиятини такомиллаштириб бормўқда. Яқин кўнларда туманининг Богтўзгон ва Сочак қишлоқларида янги ми-

нибанклар ишга тушади. Уларда миҳозларга ҳар соҳада тезкор хизмат курсатиш мўлжалланган.

— Тадбиркорларга банк муомаласини ургатаётганимиз, яъни ишлаб чиқаришдан олинаётган фойдани қаерга, қайси мақсадларга йўналтириш юзасидан б е р а ё т г а н масалаҳатларимиз ҳам беҳўда кетмаяпти, — дея сузини давом эттиради банк бошқарувчиси. — Қимматбаҳо қўзғолар, акция, дивидент масалалари улар манфаатдорлик билан қарашмўқда. Демак, биз билан ҳамкорлик янада кўчади.

Зоҳир ТўРАКУЛОВ, «Адолат»нинг ўз муҳбири.

БАРЧА ЭЗГУ ИШЛАРИМИЗГА ЯРАТГАННИНГ ЎЗИ МАДАДКОР БЎЛСИН!

